

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1441-ҳадис

1441/3533 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَلَا تَعْجَبُونَ كَيْفَ يَصْرِفُ اللَّهُ عَنِّي شَتْمَ قُرَيْشٍ وَلَعْنَهُمْ؟ يَشْتُمُونَ مُذَمَّمًا وَيَلْعَنُونَ مُذَمَّمًا، وَأَنَا مُحَمَّدٌ.

1441.3533. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қурайшнинг ҳақорату лаънатларини Аллоҳ мендан қандай қайтараётганидан ажабланмайсизларми? Улар «музаммам», деб ҳақорат қиладилар ва «музаммам», деб лаънатлайдилар, мен эса Муҳаммадман!»** дедилар».

**Изоҳ:** «Музаммам» сўзи маънода «Муҳаммад» сўзининг тескариси бўлиб, «ёмонланган», «мазаммат қилинган» деган маънони англатади. Қурайш кофирлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бўлган адоватлари қаттиқлигидан у зот алайҳиссаломни ана шу сўз билан ҳам тилга олишар эди. Ҳолбуки, Аллоҳ Ўзи у зотга Муҳаммад деган исми раво кўрган ва мазкур мушриклардан бошқа ҳамма у зотни Муҳаммад деб атар эди.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI